O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 17 май, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 38 (7233)

Da'vat

Ўзингни ўз қобилиятингдан устун қўйишинг ҳам, ўзингни камситишинг ҳам ярамайди.

Иоганн Гёте

Ibrat

Янгиобод тумани Ж.Усмонов номидаги ижара-ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги 1,5 гектар ташландиқ майдонда боғ барпо этилиб, унга қишлоқ оқсоқоллари «Соғлом авлод боғи» деб ном қўйдилар.

Yil oqituvchisi — 2000

ҲАМ МАҲОРАТ, ҲАМ ЮКСАЛИШ

Аввал хабар берганимиздек, «Йил ўқитувчиси — 2000» кўрик-танлови ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Асосийси, иштирокчиларнинг турли усул ва услубларни қўллаган ҳолда ўтган дарслари ўғил-қизлар қалбидан жой олди. Назаримизда, ҳакамлар ҳайъати аъзолари учун ҳам иштирокчи муаллимларнинг ихтисосий иқтидорини баҳолаши, дарс усуллари ва тажрибалари даражасини аниқлаши қийин кечди. Негаки, андижонлик Гулнора Умарованинг тиришқоқлиги, бахмаллик Феруза Абдужалиловнинг болажонлиги, косонлик Озода Дўстмуродовнинг фидойилиги, навоийлик Ирода Шодиевнинг билимдонлиги, тойлоқлик Мўътабар Йўлдошевнинг ноанъанавий услубни маҳорат билан қўллай олиши, тўрақўрғонлик Зайнаб Умарованинг изланувчанлиги, ширинлик Юлдуз Жонжигитовнинг болажонларни фаолликка ундай олиши, ангренлик Зарифа Шокирхонованинг ижодкорлиги, жондорлик Ҳакимжон Рустамовнинг ЭҲМда янги дастурлардан фойдаланиш маҳорати, хоразмлик Гуласал Холмуродовнинг ўқувчиларни гуруҳларга ажратиб ўтган мунозарали дарслари, юнусободлик Дилфуза Ғаниеванинг мулоқот шаклидаги машғулотлари, марғилонлик Юлдузхон Абдумажидовнинг дарсни саҳна кўринишлари асосида ташкил этиши, берунийлик Кумушой Ражабованинг машғулотларда бошқотирмаларни қўллаши, термизлик Иқболой Шамсиддинованинг мавзуларни замон нуқтаи назаридан таҳлил этиб дарс ўтиши кўпчиликда ҳайрат уйғотди.

ДАРС — ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Биз очиқ дарслардан сўнг танлов иштирокчиларидан айримларини суҳбатга чорладик:

— Мен ҳар бир дарсда «45 йил ўқитувчилик қилсанг ҳам 45 дақиқалик дарсга пухта тайёргарлик билан кир!» ҳикматига амал қиламан, - деди ангренлик иштирокчи Зарифа Шокирхонова. — Ўқувчилар менинг дарсларимни соғиниб, унга чанқоқлик билан кириб, чуқур билим олиб хурсанд бўлиб чиқиб кетишлари шарт...

— Мен эса тасвирий санъат фани дарсини «Дунёни гўзаллик қутқаради», деган фикр асосида ўтаман, - деди навоийлик Ирода Шодиева.

Суратда: уч юлдуз — (чапдан ўнгга) тўрақўрғонлик Зайнаб Умарова, юнусободлик Дилфуза Ғаниева ва ангренлик Зарифа Шокирхоноваларнинг ҳаяжонли онлари.

— Машғулотларда тасаввур қилдириш усулини кўпроқ қўллайман. Ўқувчилар кўрган нарсасини тасаввур қилиб, ижод қилишса, бу, албатта, уларга завқ-шавқ бағишлайди.

— Ўғил-қизларга янги дарс мавзусини пухта ўргатиш мақсадида чиройли шиор, ё ибратли сўз, ибора танлайман. Масалан, бу гал 110-мактабнинг 5-«Ж» синфида Алишер Навоийнинг:

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур, — ҳикматли сўзларини қўллаб янги дарсни ўтдим. Ўқувчилар буни ўзгача бир иштиёқ билан қабул қилишди, чамамда.

(Давоми 2-бетда)

Munosabat

ХОТИРА ЎЧМАС ЧИРОҚДИР

Ҳаётнинг моҳияти савоб йиғишдан иборат. Ҳисоб-китоб кунигача савоб эшиклари ёпилмайди. Дунёдаги эзгу амаллар бунинг асосий омилидир.

Савобга чексиз барака берилган. Бир эзгу иш яна бир қанча яхшиликларга, эзгу амалларга сабаб бўлади. Бугун юртимизда шундайин эзгу ишлар кўпаймоқда. Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ҳам барча-барчани эзгуликка чорлаб турувчи маскан бўлиб қолади.

Шаҳидлар юрт учун, Ватан учун жонларини фидо қилдилар. Улар кечанинг сабоқларини дилига жо қилган, келажакни кўра билган заковатли инсонлар эдилар. Уларнинг бугунги авлодлари ҳам ўтмиш кечмишларидан сабоқлар олиб, келажак учун яшамоқдалар. Ватаннинг фидойи фарзандлари хотирасини муқаддас билиб, улар руҳларини шод айлаш йўлида ҳаракат қилишмоқда. Мустамлака даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» хиёбони бунинг ёрқин исботидир.

Президентимиз Ислом Каримов «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида бу ҳақда тўхталиб, шундай деди: «Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларни тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз».

Бир пайтлар оғир сукунатга тўлиқ, одам ораламайдиган хилват жой бўлган Бўзсув соҳили бугун зиёратчилар билан гавжум. Қачонлардир бу ерлар қатлгоҳ бўлиб, нечанинсонларнинг сўнгги масканига айланган. Бугун эса у ерда Қуръон тиловат қилиниб, ўтганлар руҳига бағишланмоқда.

Хотира ўчмас чироқдир, дейишади. Бу чироқ буюк келажак сари интилаётган, эл-юрт равнақи йўлида фаолият кўрсатаётган, эзгу амаллар иштиёқида, савоб қидириб яшаётганларнинг йўлларини ёритиб тургусидир.

М. КЎЧҚОРОВ.

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан шу йилнинг 18-19 май кунлари Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин икки кунлик амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтдан келган мактубда Ўзбекистонга ташриф чоғида кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиром учун миннатдорчилик билдирилган.**
- **Олий Мажлис Кенгашининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси 1999 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган ҳисобот кўриб чиқилди.**
- **Тиббиёт оламида яна бир янгилик кашф этилди — Тошкент вилоятида илк бор ер юзида кенг тарқалган касаллик — қандли диабетга қарши ишончли восита — «Глипил» ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**
- **Ҳусний Муборак ва Ёсир Арафот ўртасида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда Яқин Шаркда тинчликка эришиш жараёни муаммолари муҳокама қилинди.**
- **Россия махсус хизмат вакиллари А.Масхадов ҳукумати сафида миллий хавфсизлик хизмати директори лавозимида ишлаган Иброҳим Хултиговни ҳибсга олди.**
- **Япония Бош вазири Иосиро Мори 2 июнь куни мамлакат парламентини тарқатиб юбориш ва 25 июнда умумий сайлов ўтказишга қарор қилди.**
- **Хитойнинг Сичуан вилояти раҳбар ходимларидан 20 дан ортиғи порахўрликда айбланиб, ҳибсга олинди.**

2000 yil — Sog'lom avlod yili

ВАЛЕОЛОГИЯ — XXI АСР ФАНИ

Саломатлик ва узоқ умр кўриш саводхонлиги жамиятимиздаги ҳар бир фуқаронинг иши бўлиб қолиши лозим. Абу Али ибн Сино давридан яхши маълумки, ўз йўлидаги турли қийинчиликларни бартараф эта оладиган, жисмоний меҳнат қила олишига қодир ақлфаросатли, яхши кайфиятли, ҳаётбахш соғлом инсонгина фаол яшаб кетишига қодир.

Инсон саломатлиги — бу энг аввало, унинг руҳий ва жисмоний сифатларни ривожлантириш, тўлақонли ишчанлик ва юқори даражадаги умрбуйи ижтимоий фаолликни сақлаб қолиш жараёнидан иборатдир. Саломатлик яхшиланиб ёки ёмонлашиб турадиган жўшқин жараёндир, яъни, биз ёш, жинс, касбий фаолият, яшаш муҳитимизга боғлиқ равишда саломатлигимиз мустаҳкам ёки бироз бўшашиб кетган, деган гапларни айтишимиз мумкин. Шахснинг саломатлигига қараб, жамият саломатлигининг даражасини белгилаш мумкин.

Инсон саломатлиги бир қатор омилларга боғлиқ: инсоннинг биологик имкониятларига, ижтимоий муҳитга ва табиий иқлимий шароитларга.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, саломатликнинг биринчи даражадаги масаласи соғлом турмуш тарзи бўлиб, аҳоли саломатлигини белгилаб берувчи барча омилларнинг 50-55 фоизини ташкил этади. Экологик омилларнинг инсон саломатлигига таъсири тахминан барча таъсирларнинг 20-25 фоизи билан баҳоланади. 20 фоизни биологик /наслий/ омиллар ташкил қилади ва 10 фоизи соғлиқни сақлашдаги камчилик ва етишмовчиликлар зиммасига тўғри келар экан. Бу омиллар сиҳат-саломатликнинг ҳолатига таъсири ҳақидаги тадқиқотлар натижасини акс эттиргани боис, мазкур маълумотлар саломатлик ҳолатининг модели сифатида қабул қилинган. Саломатлик ҳолатига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақидаги билимларни ўрганувчи фан валеология фани бўлиб, бу атама, профессор И. Брехман томонидан 1980 йилларда таклиф этилган. Ўсиб келаётган авлодни руҳий-жисмоний тиклаш /реабилитация қилиш/ ва даволаш профилактика ишлари, тарбиялашга, ўқитишга ўзини бағишлаган одамлар учун кенг миқёсли ва ахборотли материал бўлиб хизмат қилади.

Бугун биз тўла маънода, валеология фани - бу сиҳат-саломат бўлмоқ, айни пайтда соғлом авлодни тарбиялаш масалаларини ҳал этишда муносиб ўринни эгаллаши лозим, деб ҳисоблашга ҳақлимиз. Негаки, у ёки бу маънода болалар ва ўсмирлар тарбияси билан боғлиқ барча одамларнинг вазифаси уларга ўз саломатлигини қадрлаш ва уни тўғри сақлай билишга ўргатиш, ўқитишдан иборат, улар ўз навбатида буни англаб етгач ва нафақат ўзини, балки атрофдагиларнинг саломатлиги хусусида ғамхўрлик қилишга шайланадилар.

Буюк табиб Ибн Синонинг айтишича, тиббиёт энг аввало огоҳлантирувчи, ўлкага мос бўлиши ва бемор билан шифокорнинг муносабатлари, соғлом инсон билан бўладиган муносабатлардан кўра, анча фарқ қилиши ҳамда одоблилик ва инсонпарварлик жиҳатлари билан бевосита ажралиб туради.

Мана шу жиҳатларга асосланган валеологик таълим, болалар ва ўсмирларда саломатликнинг бебаҳолигини тан олиш, уни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун масъулиятни ҳис этиш, гигиеник маданиятни шакллантиришга йўналтирилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг тарбиявий тизимимиз /оила, мактабгача таълим муассасалари, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар/ ҳар бир бола, ўсмир, ўспирин, қизлар ва катта ёшдаги инсонлар онгида соғлом бўлиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш ва тарбиялашга бўлган интилишни акс эттирмоғи лозим, уларнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

-фаол ҳаракатли тартиб-чиниқиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш;

-овқатланиш, меҳнат ва дам олиш гигиенаси, янги куннинг асосий тартибли лаҳзаларига амал қилиш;

-шахсий ва жамоавий гигиена талабларига амал қилиш;

-атроф-муҳит, табиатни муҳофаза қилиш /экология ва саломатлик/;

-зарарли одатларнинг олдини олиш;

-тўғри жинсий тарбия;

-тарбияланувчи ва тарбиячи ўртасидаги ўзаро муносабатлар психогигиенасининг асосий талабларини бажариш.

(Давоми 2 бетда)

«Куш уясида кўрганини қилади» 2-бет

Абитуриент ҳақида аниқ маълумот — тест синовимуваффақияти гарови 2-бет

«Франция матбуоти» Ўзбекистонда 3-бет

Ҳақ бичган кенг тўнни этма тор, дунё 4-бет

ҲОКИМЛИК ЭЪТИБОРИДА

Болаларимиз севимли мактаблари кучоғларида сал кам тўққиз ой давомида таълим ва тарбия олиб келдилар. Ёзги таътил кунлари бошланишига саноқли кунлар қолди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раёсати яқинда «2000 йилнинг ёзги таътил даврида болаларнинг дам олиш ва уларни соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда туман ҳокимлари, бошқармалар, касаба уюшмаларининг тармоқ қўмиталари, тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳи бўлган барча корхона ва ташкилот раҳбарлари зиммасига шу йилги ёз мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш вазифаси юкланди.

Жорий йилнинг 25 майигача барча оромгоҳлар тайёр ҳолга келиши керак.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, савдо хизмати кўрсатиш раҳбарларига оромгоҳларни малакали кадрлар, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш бўйича қатъий тартиб ўрнатилиши белгилаб қўйилди. Ўқувчиларни оромгоҳларга хавф-хатарсиз ва қулай шароитлар яратилган ҳолда етказиш ҳамда уйларига қайтариб олиб келиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш учун аниқ кўрсатмалар берилди.

Шаҳар ташқарисидаги оромгоҳлардан ташқари пойтахтдаги умумий таълим мактаблари қошида ташкил этиладиган болалар муассасалари қўшимча равишда икки ярим минг нафардан ортиқ ўқувчини ўз бағрига олади.

Мустақиллик байрами тантаналарида иштирок этувчи ўқувчилар алоҳида эътиборда бўлади.

Улар август ойида 26 кун шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли «Гулбаҳор», «Сувсоз» трестнинг «Зилола», «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг «Трамвайчи» санаторий типидаги оромгоҳларида хордиқ чиқаришади.

Маълумки, пойтахт корхоналарининг ёзги оромгоҳларида Орол бўйи болаларига намунали хордиқ яратиш анъанаси қарор топган.

Бу йил ҳам пойтахт оромгоҳлари Қорақалпоғистон Республикасидан 2500 нафар болани ўз бағриларига оладилар.

Қуёш, сув, ҳаво — танга даво. Демак, табиат бағридаги оромгоҳлар болажонларимизга ана шу давони том маъноси билан бера олсин.

Насриддин БОТИРОВ,
«Маърифат» мухбири

Taraddud

ЁЗГИ ТАЪТИЛ АРАФАСИДА

Мактабларда ўқиш тугашига яқин қолганда болаларнинг таътил кунлари қаерда ҳордиқ чиқариши ҳаммадан ҳам кўпроқ ота-оналарни ўйлантириб қўяди. Таътил мавсумига Навоий вилоятида ўз вақ- тида тайёргарлик кўрилди. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ходимлари бунинг учун астойдил ҳаракат қилишди.

—Корхонамиз тасарруфида бешта ёзги пансионат мавжуд, — дейди комбинат директорининг ёрдамчиси О. Лвовский. – Улар зарур мебеллар, маиший ускуналар билан жиҳозланган. Шунингдек, пансионатларда аттракционлар қурилган. "Бахмал", "Учқун" каби оромгоҳларда болаларнинг кўнгилли дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Йилимиз "Соғлом авлод учун" шиори остида ўтказаётганлиги боис, ёшларимизни чиниқтириш, соғломлаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Турли сабабларга кўра, ёзда ҳамма болалар ҳам ўз хонадонларини тарк этолмайдилар. Бундай болалар учун мактаблар ва спорт муассасалари қошида ёзги майдончалар ташкил этилиб, дам олиш лагерлари фаолият кўрсатади. Тўдакўл кўлига борувчи ўғил ва қизлар, айниқса, мазза қилишади. У ерда болажонларимизни оилавий дам олиш, қизиқарли сайру саёҳатлар кутади. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига бепул йўлланмалар бериш кўзда тутилган. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати оромгоҳларида ҳар йили 11 минг нафар бола хордиқ чиқаради. Бу йил эса уларнинг сони янада ошади. Дастлабки мавсумга борувчилар учун ҳамма шарт-шароит муҳайё қилинган.

"Туркистон-пресс"

Ўқитувчи ён дафтарича

НОЁБ ИХТИРО

Самарқанддаги ортопедия-жарроҳлик шифохонасида букрилик касалига даво топилди. Ёш ўзбек шифокори Саидқосим Пардаев томонидан кашф этилган ушбу янгилик шу йил июль ойида Германияда ўтказиладиган «Жаҳоннинг ноёб ихтиролари» танловида қатнашадиган бўлди.

МАБОДО...

Мутахассис олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мабодо дунёдаги барча музликлар эригудек бўлса, океанлардаги сув сатҳи 65 метрга кўтарилади. Биргина Федченко музлигида Амударёдан 7 йил мобайнида оқиб туришга етадиган сув мавжуд.

КЎҲНА ТОПИЛМА

Яқинда Грузиянинг Дманиси шаҳри атрофидан икки нафар одамнинг бош суяги топилди. Олимлар мазкур топилмаларнинг ёши 1 миллион 700 минг йилга тенг эканлигини аниқлашди. Суяклар ёнидан топилган тош қуроллари ҳам чуқур ўрганилмоқда.

ТЕЗ ЎСУВЧИ ДАРАХТ

Табиатшунослар Америка, Ҳиндистон ва Австралияда учрайдиган қовун дарахтини энг тез ўсувчи дарахтлардан бири сифатида эътироф этишади. Мазкур тропик ўсимлик 60 метр баландликкача ўсиб, 2 кг.ча бўлган оғирликда мева тугади.

Ўқувчиларни эркин, мустақил фикрлашга чорлай билиши, ўғил-қизлар ўртасида ихтиёрий баҳс-мунозара ташкил эта олиши муаллима ютуқларидан бири эканлигига гувоҳ бўлдик.

Шуни қайд этиш керакки янги тизимда ҳар бир абитуриент ҳақида 25 га яқин маълумот олинади.

ВАЛЕОЛОГИЯ — XXI АСР ФАНИ

(Боши 1-бетда)

Инсон соғлом бўлиши учун, валеология ўқув курсини ўтиши лозим: Пренетал валеология - мактабгача бўлган валеология - мактаб валеологияси - академик /олий таълимда/ валеология курслари. Инсон ҳомиладан бошланади. Соғлом ҳомила - соғлом ҳомиладорлик - соғлом фарзанд - соғлом инсон - соғлом авлод - соғлом мамлакат.

Инсон валеологияси - бу шахс валеологиясидир - ҳиссиётлар валеологияси - ақлий валеология - қалб валеологияси -аҳлоқийлик валеологияси - ижодкорлик валеологияси - тесофик валеология /В.П. Петренко 1998 й./

Олимларнинг фикрича, валеология XXI аср фани. Бизнинг фан ва таълимимиз соғлиқни муҳофаза қилувчи бўлиши лозим. Республикамизда ўзимизнинг соғлиқни муҳофаза қилувчи педагогикамиз, тиббиётимиз, психологиямиз, жисмоний тарбиямиз ва спортимиз бўлиши лозим.

Москвада хизмат сафарида бўлган вақтимда мен мактабларда ўқув фани сифатида жорий қилинган валеологик дастурлар билан танишиш имкониятига эга бўлган эдим. Жумладан, I-IV -синфлар учун Г.К Зайцевнинг "Соғлом бўлиб вояга етиш", 5-6-синфлар учун "Сенинг саломатлигинг" курслари киритилган, олий таълим муассасаларининг педагогик мутахассисликлар ва йўналишлар бўйича талабаларни тайёрлаш таълимий дастурларига "Умумий валеология" фани жорий қилинган, улар асосида нормал физиология, биокимё, генетика, /ирсият/, психология, педагогика ётади. Валеология инсоннинг якка тартибдаги саломатлиги билан шуғулланадиган фан бўлиб, турмуш сифатининг категорияси /тоифаси/ саналади. Бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, валеология инсон саломатлигини мустақил тоифа сифатида кўриб чиқади, унинг мақсади сифатий ва миқдорий томондан белгиланади, шунингдек, турли даражадаги физиологик, руҳий ва ижтимоий томондан ташхислаштирилади.

Мазкур курс бўйича билимларга эга бўлган талаба, инсон саломатлигини сифатий ва миқдорий баҳолаш усулларини эгаллаб олади, соғлом турмуш тарзи жиҳатларини ўзлаштириб олиш орқали, ўз шахсий саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашни ижобий асослай олади ҳамда онгида мактаб ва оиладаги меҳнат, дам олиш ва ўқув жараёнларида саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш зарурлиги хусусидаги англашилган масъулиятли муносабатларни шакллантира олади.

Жамият саломатлиги кўрсаткичлари: туғилиш, ўлим, касаллик, умрнинг давомийлиги, ногиронлик кабилар билан белгиланади. Ушбу масалаларни кўриб чиқиш туфайли саломатлик ва фаровонлик даражаси, саломатлик омиллари ва уларни баҳолаш усуллари ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, ўз вақтида 1993 йили Вазирлар Маҳкамасининг қарорига /№ 589/ мувофиқ педагогик олий таълим муассасаларида "Жинсий тарбия ва никоҳ муносабатларининг гигиенаси" ва "Ўзбекистон демографияси ва миллатни соғломлаштириш йўллари" курслари жорий этилган эди. Афсуски, бу ўқув курслари унча узоқ давом этмади ва соатларнинг қисқариши муносабати билан дастурдан чиқариб ташланган. Вақтнинг ўзи ҳозирги кунда бу билимлар нақадар зарур эканлигини кўрсатмоқда, балки уларни қайта тиклаш имкони туғилиб қолар. Гап шундаки, педагогик институтлар ва университетларда фақат фавқулодда вазиятлардагина қўллашга мўлжалланган "Тиббиёт асослари" ва "Ёшга доир физиология ва гигиена" фанларининг ўқитилиши фақат қисмангина чекланган, тор маънодаги билимлар билан таништиради.

Мактабларда Халқ таълими вазирлигининг "Соғлом авлод" мажмуи дастурига мувофиқ жорий этилиши лозим бўлган саломатлик дарслари, ўқитувчидан бундай дарсларни олиб бориш учун тегишли равишда валеологик тайёргарликдан ўтишини талаб этади. Ўз навбатида бу талабларнинг тегишли тайёргарлиги билан боғлиқ бўлиб, бу эса педагогик олий таълим муассасаларида "Валеология" курслари жорий этилишини талаб этади.

Сўзсиз, бу "Соғлом авлод" давлат дастурини ҳаётга жорий этишга қўшилган муносиб ҳисса бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Д. ШАРИПОВА,
Педагогика фанлари доктори, ТошДПУ "Тиббий билимлар асослари, ёшга доир физиология" кафедрасининг профессори.
С.МУҲАМЕДОВА,
Қўқон педагогика институти ўқитувчиси

ҲАМ МАҲОРАТ, ҲАМ ЮКСАЛИШ

(Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, ўқувчилар машғулотлардаги янгиликларни, ўқитувчиларнинг кашфиётларини зукколик билан илғаб бордилар. Ўз ўрнида улар ҳам фаолроқ ҳаракат қилишди. Биз ҳам уларнинг дарсларини мароқланиб кузатдик. Айниқса, юнусободлик Дилфуза Ғаниеванинг ўз дарсларида фақат янгилик қўллашга интилиши беқиёс аҳамиятга моликдир. Ҳар бир ўқувчи билан якка тартибда ва мулоқот усулида иш олиб бориб, уларни эркин, мустақил фикрлашга чорлай билиши, ўғил-қизлар ўртасида ихтиёрий баҳс-мунозара ташкил эта олиши муаллима ютуқларидан бири эканлигига гувоҳ бўлдик.

Дарсда мақсадни аниқ қўя билган, яъни қатъий режа асосида иш олиб борган ўқитувчининггина дарслари қизиқарли ва жозибали бўлишини ҳис этдик. Ва шунга иймон келтирдикки, бундай ўқитувчиларни ўқувчилар севиб қоладилар ҳамда уларнинг навбатдаги дарсларини сабрсизлик билан кутадилар.

2000 йил юлдузлари

Кўрик-танловнинг якуний қисми ҳам ҳаяжонларга бой бўлди. Бунда танлов иштирокчиларининг саҳнадаги чиқишлари, жумладан, ўз касб-корини улуғлаш (ўз фани ҳимояси), мураккаб педагогик ва психологик вазиятларда одилона ва оқилона йўл тутиш ва бўш вақтларидан самарали фойдаланиш борасидаги изланишлари баҳолаб борилди. Назаримизда, ўз фани ҳимояси ҳамда психологик вазиятдан чиқиш шартларига косонлик Озода Дўстмуродова, навоийлик Ирода Шодиева, бахмаллик Фёруза Абдужалилова, хоразмлик Гуласал Холмуродова, юнусободлик Дилфуза Ғаниева, ангренлик Зарифа Шокирхонова, андижонлик Гулнора Умаровалар зукколик билан жавоб қайтардилар.

Ўқитувчининг қизиқишлари ёки бўш вақтларидан самарали фойдаланиш шарти бўйича эса Гуласал Холмуродованинг инсонларни ҳамиша жўшқинликка чорловчи «Хоразм лазгиси»га тушган рақси, тўрақўрғонлик Зайнаб Умарова ижро этган «Ягона Ватан» қўшиғи, косонлик Озода Дўстмуродованинг рўзғор ва қишлоқ хўжалик юмушларини халқона оҳангдаги қўшиқ билан бажариш саҳнаси, юнусободлик Дилфуза Ғаниеванинг мактабдан ташқари машғулотлардаги раҳбарлик қилиш саҳнаси ижроси томошабинларнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлди.

Умуман олганда, бир-биридан зўр, мазмунли чиқишларнинг шоҳиди бўлдик. Уларнинг барчаси ғолибликка муносибдай эди, назаримизда. Аммо ҳакамлар ҳайъати аъзолари барча чиқишларни муқояса қилиб, таққослаб, шундай қарорга келишди. Биринчи ўринга Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 70-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Дилфуза Ғаниева, иккинчи ўринга Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 12-мактабнинг география фани ўқитувчиси Зайнаб Умарова, учинчи ўринга эса Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 29-мактабнинг она тили ва адабиёт фани муаллимаси Зарифа Шокирхонова муносиб, деб топилди.

— Булар кўрик-танловнинг юлдузлари, — деб лутф қилдилар ғолибларга мукофотларни топшираётиб халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, — уларнинг касбий ва бадиий маҳоратларини ҳакамлар ҳайъати юқори баҳолашди.

Сўнгра вазир уччала ғолибга «Йил ўқитувчиси» кўкрак нишонини тақиб қўйди, сертификатлар топширди ва барча иштирокчиларга «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони берилишини эълон қилди.

Шуниси аҳамиятлики, бу йилги кўрик-танловдан ҳомий ташкилотлар ҳам ўз ҳимматларини аяшмади. Жумладан, ХТВ билан бир қаторда «Орзу», «Юлдуз», «Қизил Тонг» ҳиссадорлик жамиятлари, «Наврўз», Амир Темур, «Камолот» жамғармалари, шунингдек, Таълимсавдо бош бошқармаси иштирокчиларга қимматли совғаларни ҳадя этишди. Раис муовини Йўлдош Аҳмедов Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси томонидан 14 нафар қатнашчининг барчасига дам олиш масканларига бепул йўлланма ажратилажагини маълум қилди.

Берилган мукофотлар ташаббус ва кашфиётлар, қилинган меҳнатларнинг қадр топиши, ўқитувчи-устоз номининг қайта эъзозланиши эди. Энг қувонарлиси, «Йил ўқитувчиси — 2000» кўрик-танловида ҳам маҳорат, ҳам юксалиш, ҳам ёшариш каби энг муҳим жиҳатлар кўзга ташланди...

***

«Йил ўқитувчиси — 2000» танлови ниҳоясига етганидан кейин ғолиб ва совриндорларни Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қабул қилди. «Ҳормангла!» мазмунида ташкил этилган суҳбат қизғин ва самимий руҳда ўтди. Хуллас, ҳар бир иштирокчи ўз масканларига улуғ анжумандан ажиб бир туйғу ва катта таассуротлар билан қайтиб кетишди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Суратларда: Миробод туманидаги 110-мактабда ўтказилган дарслардан лавҳалар.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.



ПЕДАГОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўқувчиларни ҳур фикрлашга ўргатишда дарс беришнинг қай йўналиши маъқул? Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги Агроиқтисодиёт коллежида ўтказилган "Янги педагогик технологияни ўрганиш муаммолари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман қатнашчилари бу каби саволларга жавоб ахтаришди.

Андижон Давлат университети билан ҳамкорликда Ўш давлат олий коллежи, Ўшдаги қирғиз-ўзбек университети ва Андижон вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуманда икки давлат олимлари ва муаллимлари кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, янгича ўқитиш жараёнларида мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳақида ва коллеж талабаларини ўқитиш усуллари асосида гуруҳий таснифлаш мавзуларида маърузалар тингладилар.

Андижон вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Абдурашид Абдураҳмоновнинг таъкидлашича, ўқиш, ўқитиш жараёнларини ташкил этишдаги ютуқ ва тажрибалар билан яқиндан танишишда, ўқувчилар билимини рейтинг усулида баҳолаш ҳамда компьютер ўқувини тўғри ташкил этишда мазкур анжуманнинг аҳамияти катта бўлди.

Тўрт йўналиш бўйича ноанъанавий ўқитиш услуби ва янги педагогик технология асосида дарс ўтишда ташаббус кўрсатган ушбу коллеж муаллимларининг иш тажрибаси оммалаштиришга тавсия этилди.

"Туркистон-пресс" Андижон вилояти

Aks-sado

«ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ»

«БИЛИМ МАҚСАДМИ, ВОСИТА? ЁХУД АХЛОҚНИ БАҲОЛАШ ҲАҚИДА ЎЙЛАР» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

Маълумки, ҳозирги кунда барча ўқув масканларида талабалар билимини рейтинг тизимида баҳолашга ўтилган. Фалон кўрсаткичга эришгани зарбдор, фалон кўрсаткичга эришгани аълочи-иқтидорли. Хўш, унинг маънавияти-чи, ахлоқи-чи? Нега яна инсон учун энг зарур бўлган сифатларни баҳолашга панжа орасидан қараяпмиз? Тўғри, ҳозирги кунда ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасида талайгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мактабларда, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида ҳам инсон шахсини, унинг маънавий дунёқарашини ривожлантирувчи қатор фанлар киритилган. Пировард натижада ҳар бир нарсанинг ҳам маълум миқдорда ўлчови ва баҳоси бўлсагина қимматли бўлади. Талабалар хулқини баҳолайдиган шундай бир баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш керакки, унга барча фан ўқитувчилари, гуруҳ мураббийлари, синф раҳбарлари, раҳбарият талабанинг бутун фаолиятини, юриш-туришини, кийиниши, дарсларда, жамоат ишларида, турли хил танлов ва тадбирларда иштирокини, ўқитувчилари, мураббийлари томонидан берилган топшириқларга масъулиятини, синфдош ўртоқларига ва атрофдагиларга нисбатан муносабатини аниқлаб, тегишли балларни қўйиб борсинлар. Шу баллар асосида унинг ҳулқига тегишли баҳо (балл билан) хужжатига қайд этилсин. Талабалар ўзлаштириши ҳақида сарҳисоблар унинг хулқига қўйилган баҳолардан бошлансин. Балки шундагина ёшларимиз ўзининг тарбияси билан алоҳида шуғулланаётганлигимизни ҳис этар, ҳушёр тортар. Бу ҳушёрлик унинг қон-қонига сингиб, кундалик эҳтиёжга айланар, уни турли хил оқимлар таъсирига берилиб кетишдан, ўзи билиб-билмай, англаб-англамай номақбул ишларни қилиб қўйишдан тияр.

Маълумки, олий ўқув юртларига кириш учун талабаларнинг фақат билими тест синовидан ўтказилмоқда. Тест саволлари блокига маълум миқдорда унинг хулқини, одобини, маънавий дунёқарашини аниқловчи турли хил педагогик ва психологик тестлар ҳам киритилса, ҳужжатлари қаторига битирган ўқув маскани раҳбарияти томонидан берилган тавсифнома ҳам талаб қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Умуман ёш авлоднинг маънавий қиёфаси ҳақида ўйлаганимда айрим зиёли мансабдор, бадавлат инсонларга эътироз билдиргим келади. Улар фарзандларининг ёшлигиданоқ такаббур, атрофдагиларни менсимайдиган, эътиқодсиз бўлиб бораётганлигига ўзлари сабабчи бўлаётганликларини наҳотки сезмайдилар!? Фарзандларини дарсга хизмат машиналарида келтириб қўядилар ва олиб кетадилар. Иккинчидан, фарзандларига керагидан ортиқ қимматбаҳо, чет эл кийимларини кийдириб, қизларига қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб дарсга юборадилар. Бу «меҳрибончилик»лар фарзандларининг тарбиясига жуда катта салбий таъсир кўрсатаётганлигини наҳотки англамайдилар? Кўпчилик ҳолларда ўқувчи талабалар орасидаги ички зиддиятларни муҳокама қилиш жараёнида бола отаонасининг мансаби ва бойлиги орқасидан керилиб, синфдошини камситганлигининг, дилига озор берганлигининг гувоҳи бўламан.Бундай пайтларда унга камтаринлик ҳақида айтилган панд-насиҳатлар кор қилмаслигини кўриб, халқимизнинг «Куш уясида кўрганини қилади» деган мақоли бежиз айтилмаганига иқрор бўламан. Демак, бола дастлабки маънавий озуқани оилада олади. Унинг оиладаги хулқ-атворини ким ва қай тарзда баҳолайди?

Миллий мафкурани шакллантириш жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб турган бир пайтда талабанинг хулқини, унинг маънавий дунёқарашини баҳолаш масаласини кўтариб чиқиш айни муддаодир.

Мамлакат РАҲИМОВА,
СамДУ академик лицейи ўқув ишлари бўйича директор муовини, халқ таълими аълочиси

DTM axboroti

АБИТУРИЕНТ ҲАҚИДА АНИҚ МАЪЛУМОТ – ТЕСТ СИНОВИ МУВАФФАҚИЯТИ ГАРОВИ

Ўзбекистонда тест усулида ўрта ва олий ўқув юртларига абитуриентларни қабул этилиши холислик ва ижтимоий адолатни таъминлаётганлиги ҳаммага аён. Одамлар ўртасида ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмаслик, тестни аниқ ва адолатли ўтказишни таъминлаш қабул комиссияси томонидан ишни аниқ ташкил этиш, абитуриент ҳақида аниқ ва тўғри маълумотни Давлат тест марказига ўз вақтида юборишга боғлиқ. Ҳар бир ўқув юртида абитуриент танлаган таълим йўналиши, мутахассислиги ўқув тили ва бошқа маълумотларнинг аниқ бўлиши унинг ўқишга кириш тақдирини белгилайди. Давлат тест маркази 15-18 май кунлари республика олий ўқув юртлари қабул комиссиясида маълумотларни тест марказига етказиб беришнинг автоматлаштирилган тизимида ишловчи ходимларнинг семинарини ташкил этди. Қабул комиссияси ходимлари ДТМда яратилган "Абитур — АБТ" автоматлаштирилган бошқарув тизимида ишлашни ўзлаштирдилар. Уларга қабул комиссияларида янги дастур орқали йиғиладиган маълумотлар мазмуни, уларни аниқ ва белгиланган вақтда юбориб туриш тартиби ўргатилди. Шуни қайд этиш керакки, янги тизимда ҳар бир абитуриент ҳақида 25 га яқин маълумот олинади.

Биринчи маротаба ҳар бир абитуриент паспортининг номери серияси, аттестат номери ва мактабга қачон қабул қилиниб ва қачон тугатгани каби қатор маълумотлар олиниб, тестда содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий ҳатти-ҳаракатга чек қўйилади. Имтиҳонга кирувчиларнинг гуруҳлари, уларни аудиториядаги ўринларга ўтказиш махсус алгоритм асосида амалга оширилади. Абитуриент ҳақидаги барча маълумотларни тўлиқ олиш тест натижаларини адолатли ҳисобланишини таъминлаб, унинг автоматлашган тизими қабул комиссиялар ишларини енгиллаштиради ва хатоликларнинг олдини олади. Янги информацион тизим оператордан ҳам катта масъулият талаб этади. Оператор ҳар бир маълумотни ўз шахсий коди билан юборади ва унга жавобгар бўлади.

Давлат тест маркази кўпвариантли тест тизимини жорий этиш, унинг натижаларини аниқ ҳисоблаш билан бирга абитуриентлар ҳақида тўлиқ маълумот олиши 2000 йил тест имтиҳонларини муваффақиятли ўтказиш, қобилиятли ва билимдон ёшларнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга кенг имконият яратишга қаратилгандир.



Давлат тест маркази томонидан "Ахборотнома" тест саволларининг 5-сони ҳам нашрдан чиқди.

Унда "Ўзбекистонда тестологларнинг биринчи анжумани" бўлиб ўтганлиги ҳавқидаги маълумотдан сўнг, ўзбек тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти, инглиз тили, немис тили, француз тили, тарих, рус тили (иккинчи тил), математика, физика, биология, кимё, география, Давлат ва ҳуқуқ асослари фанларидан тест топшириқлари берилган.

Bu sizning kitobingiz — o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ДАРСЛИК

Президентимиз бир маърузаларида: "Ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат, албатта, ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши, энг муҳими, биринчи навбатда ўқув муассасаларида таълим-тарбия олаётган болаларимиз учун аниқ ва равшан, шу билан бирга таъсирчан ўқув қўлланмалари, дарсликлар тайёрлаш, уларни амалиётга тадбиқ қилиш бугунги кундаги долзарб масала эканлиги" ҳақида гапирган эди. Ўзбекистонда ўрта кимё таълимини қайта кўриб чиқиш борасидаги ишларга 1993 йилда киришилган эди. А. Мамажонов, С. Тешабоев ва бошқа бир қатор методист олимлар ва кимё ўқитувчилари томонидан тузилган дарслик "Ўқитувчи" (1999 й.) нашриётида чоп этилган эди. Бу билан миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий меросларини тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги ўсиб келаётган авлодга етказиб беришга хизмат қиладиган ишга қўл урилган эди.

Яқинда шу нашриётда С. Тешабоев, М. Нишонов ҳаммуаллифлигида 9-синф ўқувчилари учун "Анорганик кимё" дарслиги босмадан чиқди. Ушбу дарсликнинг аввалги дарсликлардан фарқи нимада, деган савол туғилиши табиий.

Аввало, кимё фани табиий фанларнинг таркибий қисми эканлигини унутмаслигимиз керак. Шу нуқтаи назардан олганда, дарслик миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиши билан бирга, умумбашарият томонидан эътироф этилган кимёвий билим асосларини қамраб олган. Дунё ва мамлакатимиз кимё фани ва саноати ҳақида етарли маълумот берилган. Дарсликда ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантириш учун хизмат қилувчи материаллар тегишли мавзуларда акс эттирилган.

"Кислород", "Азот группачаси", "Углерод группачаси", "Металлургия"нинг умумий хоссалари "I-II-III группада жойлашган металлар" мавзуларини мисол қилиб олиш мумкин. Уларда Ўзбекистонда ишлаб-чиқарилаётган маҳсулотлар ва минерал ўғитлар (Чирчиқ, Фарғона, Навоий, Олмалиқ, Самарқанд ва бошқалар), рангли металлар (Олмалиқ, Чирчиқ, Навоий ва бошқалар) ҳақида маълумот берилган.



Шунингдек, моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари билан бир қаторда, уларнинг биологик хоссалари ва аҳамияти ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Дарслик мазмуни жиҳатидан ҳам ўзига хос тузилишга эга. У ўқитишнинг илмийлик, тушунарлилик, оддийдан мураккабга тамойиллари асосида ёзилган. Ўқув материали асосий ва қўшимча қисмларга бўлинган савол, масала ва топшириқлар маҳаллий шароитимизга мос келади.

К. ТУРДИЕВА

Jarayon

ЯНГИ КОЛЛЕЖ БИНОСИ ҚУРИЛМОҚДА

Бахмал тумани марказида 450 ўринли янги коллеж биноси жадал суръатларда қурилмоқда. Ўтган йили февраль ойида бошланган ушбу қурилиш деярли якунига етай деб қолди. Рақамлар тили билан айтганда, коллеж биносининг қурилиш-монтаж ишлари учун мўлжалланган 371 миллион сўмлик маблағнинг 200 миллиони ўзлаштирилди. Қурилиш ишлари Абдураззоқ Муродов раҳбарлигидаги 65 - МКК жамоасининг 200 нафарга яқин ишчилари томонидан олиб борилмоқда. Шунингдек, тумандаги бошқа ташкилотлар ва маҳаллий аҳоли ҳам қараб тургани йўқ. Туман ҳокими М. Анорбоев ташаббуси билан бу ерда тез-тез уюштирилиб турган ҳашарлар ишнинг жадал олға силжишига ёрдам бермоқда. Мана шундай ҳашарлар натижаси ўлароқ коллеж ҳудудига беш минг туп терак қаламчалари, турли гул кўчатлари ўтказилди. Тайёр ҳолга келган очиқ спорт майдонида эса, айни дамда тумандаги йирик мусобақалар ўтказилмоқда. Янги ўқув маскани ҳудудида 100 ўринли ётоқхона, ошхона бинолари ва ёпиқ спорт зали қурилиши ҳам давом этмоқда.

Коллеж янги ўқув йилидан тўла фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Дастлаб муассасага тумандаги турли мактабларнинг 9-синфини тамомлаган 150 нафар талаба ёшлар қабул қилинади. Уларга 14 нафар фан ўқитувчилари ва 6 нафар касб мутахассислари сабоқ беришади. Айни кунда, танлов асосида ўқитувчи ва мутахассис кадрлар танлаб олинган, улар ҳам янги ўқув масканида фаолият бошлашга шай бўлиб туришибди. Ҳатто туман фаолларидан бири, ушбу қурилишга бош-қош бўлиб турган жонкуяр инсон Сафар Маллаевнинг таъкидлашича, ўқитувчилар коллежда қайси хона ўз фанига тегишли эканлигини ҳам билишади ва мунтазам келиб бу ерда бўлаётган ишлар билан танишиб, керак бўлса кўмаклашиб туришади.

Коллежга турли ўқув анжомлари ҳам келтирила бошланди. Бу ерга 70 миллион сўмлик турли анжомлар келтириш мўлжалланган. Айни пайтда 6,5 миллион сўмлик анжомлар олиб келиниб, тахт қилиб қўйилди.

Коллеж қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш, ўсимликшунослик ҳамда чорвачилик соҳасида деҳқон-фермер хўжаликлари, ҳисобчилик, кичик агрономлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлаш бўйича мутахассислар етиштириб беради.

Ҳозирданоқ ўз шиорига, ўз гербига эга бўлган, уч қаватли замонавий кўринишдаги бинода фаолиятини бошлашга ошиқиб турган янги касб-ҳунар коллежи жамоасининг меҳнатлари самара беришига ишонса бўлади.

И. БЎРИБОЕВ

Ўзбекнинг бетакрор фазилатларини тинглаган 28 давлат вакиллари халқимизнинг ибратли, ўзига хос жиҳатларига ҳавас қилдилар.

Ўзбекистонда бир неча йиллардан бери муваффақиятли олиб борилаётган таълим ислоҳотларининг дастлабки натижалари билан танишишни назарда тутдик.

Davra suhbati

САФАРДАН СЎНГ...

Фарзандларимизнинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши уларнинг жисмоний ва маънавий такомилига боғлиқ. Бу муҳим ишда хориж тажрибасидан ҳам амалий фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Яқинда бир гуруҳ таълим мутахассислари Исроилда бўлиб, уларнинг бу борадаги тажрибалари билан танишиб қайтдилар. Қуйида уларнинг таассуротлари билан танишасиз.

Замира АБДУРАҲИМОВА — Давлат Тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог ходимлар ва таълим муассасалари аттестация бошқармаси мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларини аттестация қилиш бўлимининг етакчи эксперти:

— Хорижий давлат — Исроилда малака оширишда бўлиб, ўзаро тажриба алмашдик. Ўзбекистонда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида гапиришимизда хорижлик дўстларимиз жуда ҳам хурсанд бўлдилар. Айниқса, Ўзбекистоннинг жаҳонга юз тутаётгани, ўғил-қизларимизнинг Япония, Хитой, Америка, Англия сингари ривожланган давлатларга бориб таҳсил олаётганликлари уларни беҳад қувонтирди.

Исроилда маорифга алоҳида эътибор берилган. Уларда ҳам таълим тўғрисида қонун мавжуд экан. Тўрт ёшдан бола боғчага бориши, мактабда ўқишга тайёр ҳолда келиши керак. Акс ҳолда бир-бирига таъсир қилиши мумкин. Таълим тизими тўрт қисмдан иборат: мактабгача таълим — 4 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар боғчага қатнаши мажбурий ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасасида болалар мактабга тайёрланиш билан бирга уларнинг фикрлаш қобилияти, идрок этиш ва нутқ маданияти тарбияланади. Болаларнинг турли хил вазиятда ўзини тута билиш каби малака-кўникмалар ривожлантирилади.

Мактаб таълими ўз ўрнида учга бўлинади: бошланғич мактаб (1—6-синф, 6-11 ёш), оралиқ мактаб (7—9-синф, 12-14 ёш), ўрта мактаб (10—12-синф, 15—17 ёш). Ўрта мактаблар гуманитар ҳамда технологик йўналишдаги мактабларга бўлинади.

3-синфда бола билан психометрик тест ўтказилади. Бунда унинг иқтидори ўрганилади. 6-синфда яна шундай тест ўтказилиб, қайси фанга иқтидори борлиги аниқланади, техник ёки гуманитар соҳага йўналтирилади. Масалан, сен яхши врач бўласан, деган фикр бола онгига мурғаклик пайтиданоқ сингдириб борилади.

Ўрта махсус таълимга (13—14-синф) техник ва гуманитар йўналишдаги коллежлар киради. Исроилда 18 ёшда ўғил ва қиз болаларнинг армия сафида хизмат қилиши мажбурий бўлиб, йигит ва қизлар асосан армия сафидан кейин ўрта махсус таълим муассасасига ўқишга кирадилар. Бу ўқув юрти битирувчиларига техник ёки кичик инженер мутахассислиги берилади.

Мактабни ёки ўрта махсус таълим муассасасини тугатганлар академик коллежга (техник коллежда ўқиш 4 йил, гуманитар коллежда ўқиш уч йил) кириб ўқиши ёки университетга ўқишга кириши мумкин. Университетни муваффақиятли битирганлар магистратурага (2 йил), ундан сўнг докторантурага (3 йил) кириб ўқиши мумкин.

Исроилда ўқувчилар билими, қобилияти тест орқали аниқланади. Булар уч босқичда ўтказилади. 1. Бошланғич мактабда: а) иқтидорли болаларни аниқловчи тестлар; б) муаммоли болаларни аниқловчи тестлар. 2. Мажбурий умумдавлат тестлари: а) 4-синфда; б) 9-синфда. 3. Психометрик тестлар: а) йўналиш-ли; б) ихтиёрий; в) олий таълим муассасасида ўқишни истовчилар учун.

Мактаб ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқувчилар билими қуйидагича баҳоланади ва текширилади: дастлаб уй вазифаси (ўтилган ёки янги мавзу бўйича) сўралади. Мустақил иш ва режали назорат иши алоҳида баҳоланади. Назорат ишининг бажарилиши ҳам эътиборга олинади. Қоллоквиум (оралиқ назорат иши), компьютерлаштирилган текширувлар ҳам ўтказилади.

Билимни баҳолашда уч йўналишдан фойдаланилади: орттирилган билимни баҳолаш; табиий қобилиятни баҳолаш; табиий имкониятларни баҳолаш.

Ўқитувчи ва тарбиячи иш фаолиятининг еттинчи йили малака оширишга мажбурий.

Маъмура КОМИЛОВА, Собир Раҳимов туманидаги 269-"Камолот" боғча-мактаб мажмуаси директори:

— Биз тадбиркорликни ўрганишимиз керак. Бу ҳақда бизда нотўғри тушунча ҳосил бўлган, яъни тадбиркорлик — бу савдо, иқтисод билан боғлиқ масала деган. Йўқ, асло бундай эмас. Бугунги кунда ҳар бир мудира ўзига савол бериши керак: гуруҳларимда болалар сони камайиб кетмоқда. Нима қилишим керак? Инглиз тили очиб кўрдик, бир йил жон сақладик. Тўгарак очдик, раҳбарлари ярим ишлаб юришди, кейин эса яна ҳаммаси ўз ҳолига қайтди. Сабаби нимада? Мен ишимни мунтазам бир маромда олиб кетишим, ўқитувчи, тўгарак раҳбарини доимий ишда сақлаб қолишим учун қандай чора-тадбирларни кўришим керак? Уларни ташқаридан жалб этиб, жамоа салоҳиятидан тўғри фойдалана олмадим. Айнан шу ўқитувчининг дарсларини бир йил кузатиб, янги дастур тузиб, ишлаб турган тарбиячимни тайёрлашим мумкин эди-ку! Аммо бунинг учун тадбиркор бўлишим, ҳар бир ишни пухта ва узоқ муддатга режалай олишим керак эди.

Ишимизнинг сифатига алоҳида эътибор беришимиз лозим. Нега бола камайиб кетяпти? Ота-она ҳозирги иқтисодий шароитда "Шунча пул бер-саму, болам куни билан боғчада сиқилиб, зерикиб юрса, уйида эшитмаган гапларни "боғча опаси"дан эшитгандан кўра тинчгина уйда ўтиргани маъқул" деб ўйлайди-да. Айтайлик, гуруҳда битта бола камайди. "Боғча опа", ўз ишингизга пишиқ бўлиб, сифатни ўйланг. Ҳар бир соатингиз, ҳар бир кунингиз самарали ўтсин.

Шунингдек, миллий ғуруримизни тикламоғимиз лозим. Буюк боболаримиз руҳини шод этиб, улар исми, тарихда қолдирган изи, яратган бебаҳо дурдоналарига муносиб авлодни тарбиялашимиз керак. Бу ишда куним ўтса бўлди, дейдиган тарбиячиларга: "марҳамат, четга чиқинг, келажакка зиён етказманг" дейиш зарур. Бугун таълим муассасалари буюкларни тарбиялаб берувчи фидойилар даргоҳи, меҳр-мурувват, ақл-заковат ва юксак маънавият ўчоғига айланиши лозим. Бу ер фақат пок, халқ фарзанди деб ёниб яшаб, ижод этадиганлар масканн. Биз шундай инсонмиз. Биз шундай ўзбекмиз, — деб келдик хорижда. Улар таълимни биздан ўрганишсин, "бола пошшо" эканлигини бизда кўришсин. Лекин буларнинг барчаси бизнинг янгича муносабатларга янгича ёндашувимизга боғлиқ.

Иш жойимизни, жамоамизни қадрлашимиз керак. Тўғри, улардаги ишсизлик ишхонасини, иш жойини қадрлашга ўргатгандир. Биз нега шуни ўзимизда татбиқ этмаймиз? Собиқ Иттифоқ давридан келаётган касаллик — ишласа-ишламаса тенг ойлик, тенг эътибор эди. Айрим ходимларимиз бугунги кунда ҳам шундай давом этади, деб туришибди. Лекин мен бундай одамларга: теварак-атрофга қаранг, ислоҳот одимларини таҳлил қилинг, ўзингизга разм солинг, дегим келади. Жамоамиз бирдек ишлашни, ташаббускорликни ўрганиши лозим. Юртбошимиз даъватлари ҳам ана шу эмасми?! Тасаввур қилинг, мусиқа раҳбари келмади, машғулот ҳам ўтилмади. Ана шундай ҳолат чет элда содир бўлса, тарбиячи дарҳол ўзи ҳозирлик кўриб, болалар билан машғулот ўтар экан. Бу ҳам ташаббус. Ёки бўлмаса дастур билан белгиланган адабиёт топилмади, дейлик. Тарбиячимиз машғулот ўтмайди, вассалом. Уларда-чи? Белгиланган ҳикоянинг ўрнини босувчи исталган асарни ўқиб беради. Бу ҳам ташаббус. Ахир, ташаббус мисли кўрилмаган қаҳрамонлик ёки янгилик ихтиро қилиш эмас. Ташаббус бу кундалик вазифани яхшироқ, янада жозибалироқ қилиб бажаришга қаратилган ҳаракат, истакдир.

Светлана АБДУЛЛАЕВА, "Камолот" боғча-мактаб мажмуаси руҳшуноси:

— Дастур бўйича у ерда Ўзбе-кистон Республикасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Байроғимиз, тарихимиз лавҳалари, буюк сиймоларимиз ҳақида гапириб берар эканман, ўртага савол тушди: "Биз халқларнинг кийими, тили, ўзига хос характерли белгиларидан қайси миллатга мансуб эканлигини билиб оламиз. Хўш, ўзбекларни бошқалардан қандай фарқлаш мумкин? Бундай саволни кутмаган эдим. Лекин Ватандан йироқ бўлсанг, она юрт соғинчлари юракда, дилда борларини тилга чиқарар, қандайдир нур "ялт" этиб уйқаш фикрларни теран этар экан. Дақиқа ҳам тутилмасдан шундай жавоб бердим: Бизда ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат ўзаро занжирсимон боғланиб, ҳаётий қонуниятни келтириб чиқаради. Оилада ота-оналарнинг устуворлиги, ўрни ва моҳияти фарзанди 35-40 ёшга боргунга қадар ҳам давом этади. Оила бошқаруви фарзандларга ўтганда, ота-оналар қарилик гаштини набиралари даврасида ўтказадилар. Шу тарзда бир оилада 4 авлод вакиллари яшаши мумкин.

Ўзбек меҳмондўст халқ. Меҳмон отангдай улуғ дея борини дастурхонга тўкади. Олимларимиз мени кечирсинлару, Ўша ерда Буюк ипак йўлининг пайдо бўлишидаги яна бир омилни ўртага ташладим. Тасаввур қилинг. Хитойдан учта карвон йўлга чиқди. Бири Қозоғистон чўлларидан, бири Ҳиндистон боғларидан, яна бириси эса бизнинг юртимиздан ўтди. Юмушларини битириб, уйларига қайтиб келишганида, бир-бирларига сафар таассуротларини гапириб беришибди. Шунда ўзбек элидан ўтган карвон ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, халқнинг ширинсўзлиги, савдо-сотиқда ўта чаққонлигини тушунтириб берибди. Қарабсизки, кези келганда, бир эмас, бешта карвон Самарқанду Бухоро, Шаҳрисабзу Хива шаҳарларидан ўтиб, ўзбекларга қойил қолишган.

Ўзбек бир-биридан ёрдамини аямайди. Маҳаллада бир-бирига бегона бўлса-да, ҳаёти, турмуш тарзида бир умр оға-ини бўлиб яшайдилар.

Ўзбекнинг бетакрор фазилатларини тинглаган 28 давлат вакиллари халқимизнинг ибратли, ўзига хос жиҳатларига ҳавас қилдилар. Қани энди одобимиз, маданиятимиз, удумларимиз ҳақида тўлиб-тошиб гапириб бер-сам... Иноним комил, тақдимот якунида "Хоразм лазгиси"ни кўрганларнинг бирортаси ҳам ўзбеклар яшайдиган Ўзбекистон деган мамлакатни унутмайдилар.

Давра суҳбатидан маълум бўлдики, фарзандларимизни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ жалб этиш, улар сони камаймаслиги учун боғчалар ишини фаоллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги педагогик технологияларни таълимга жорий этиш, миллийликни, шарқона урф-одатларни англаган ҳолда хориж тажрибаларининг ўзимизга мос жиҳатларини қўллашимиз зарур. Ана шундагина келажаги буюк давлатимиз учун ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват, соғлом авлодни вояга етказа оламиз.

Давра суҳбатини Дилбар ХЎЖАЕВА ёзиб олди.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Qutlug' ostona

НОЁБ ҚОБИЛИЯТ ЭГАСИ

"Соғлом танда соғ ақл" дейди халқимиз. Авваламбор айтиш керакки, ҳар бир соғлом боланинг дунёга келиши учун ота-онанинг жисмонан, ақлан, табиатан соғлом бўлиши ниҳоятда зарур. Бунинг исботи сифатида бугун сиз азиз газетхонларга ноёб талант соҳиби, мактабимизнинг 1-синф ўқувчиси Акобирхон Қодиров ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Унинг отаси Муҳиддинов Аъламхон ўрта мактабда математика ўқитувчиси. Онаси Тожиева Юлдузхон шу мактабда инглиз тилидан дарс беради. Акобир математика фани амалларини қўшиш, кўпайтириш ва бўлишларни сурасангиз иккиланмасдан дарҳол айтиб бериши, инглиз тилида эса ҳеч қийналмай сўзлаши, шунингдек сўзларнинг таржимасини эслаб қолиши билан барчани ҳайратда қолдириб келмоқда. Мен ҳам Акобирнинг қобилияти билан қизиқиб, аввало унинг ота-онасини суҳбатга тортдим.

— Аъламхон ака, айтингчи, ўғлингизнинг ўқиши билан қачондан бошлаб шуғуллангансиз ва келажакда қайси касб эгаси бўлишини хоҳлайсиз?

— Тўғрисини айтганда, ўғлим билан унчалик жиддий шуғулланган эмасман. Унинг ўзи катта ёшли болалардан ўрганди, менга билиши керак булган саволларни бериб, урганишга ҳаракат қилди. Мени ҳурсанд қиладиган томони шундаки, эслаб қолиш қобилияти анча кучли бўлиб, айтган гапларимни ёдида сақлайди. Касб масаласига келсак, мен уни ҳеч қачон мажбур қилмайман. Улғайса ўзи хоҳлаган касбни танлайди.

Шунда мен Акобирдан сен қайси касбни танлайсан деб сўраганимда;

— Мен катта бўлсам, шифокор бўламан ёки инглиз тилини яхши ўрганиб таржимон бўлиб, Америка, Ҳиндистонга бормоқчиман, — деб жавоб берди.

Қаҳрамонимизнинг ўқитувчиси Эркиной Йўлдошева эса Акобир ҳақида бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— У 1998-1999 ўқув йилдан якшанбалик мактабига келганда 5 ёшда эди. Мен у билан савол-жавоб ўтказганимда анча қобилияти борлигини сезган эдим. Ўшанда менга биринчи айтган шеъри инглиз тилида эди. Чунки Акобир шеърларни жуда яхши кўради. Айтилган матн ва ҳикояларни эслаб қолиб тиниқ ва равон сўзлаша олади. Бунинг ҳосиласи ўлароқ Акобир бошланғич синфнинг математика фанидан мисол ва масалаларни ўзи мустақил еча олади. Кўпайтириш жадвалини эса, ёддан айта олади. Ишончим комилки, шогирдим Акобиржон келажакда XXI асрнинг таниқли кишиларидан бири бўлиб етишади.

Дарҳақиқат, қанчалик иқтидорли болалар кўп бўлса, юртимиз шунчалик обод ва фаровон бўлади. Акобиржон келажагини эса ҳозирча вақт аталмиш олий ҳакам кўрсатади. Зеро, ниҳол қанча эрта ва қунт билан парвариш қилинса, у биз истаган мевани келажакда, албатта, беражак.

Умар АСРОРОВ,
Тайлоқ туманидаги
26-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

Ta'lim fidoiylari

ЭТИКДЎЗНИНГ ОҲАНГРАБОСИДАН БОШЛАНГАН ТАДҚИҚОТ

Қўшработ тоқларининг мусаффо ҳавосидан нафас олиб, тоғ жилғаларининг зилол сувларидан ичган, тегирмонда тортилган тоза буғдой нонини тановул қилиб улғайган Облоқул зуваласи пишиқ, зийрак бола бўлиб етишди.

Отаси билан Жўш бозорига илк борганида кираверишда ўтирган устанинг тўкилиб, сочилиб ётган михчаларни занглаган бир темир парчаси билан, осонгина йиғиштириб олаётганини кўриб, қизиқиб сўраганида, "Оҳанграбо" деб жавоб берган эди кекса этикдўз.

Оҳанграбо нима дегани? Бу саволга эртаси куни "Магнит" — деб жавоб берди ўқитувчиси. Магнитнинг ўзи нима? Бу саволга ўқитувчи жавоб бера олмади.

Орадан, йиллар ўтди. Синган радиолардан магнитни олиб, этикдўзнинг ишини бир неча марталаб такрорлаб кўрди, мактаб физика лабораториясида магнит, компас билан тажрибалар ўтказди. Аммо ёшлигидан хаёлини чулғаган саволга Самарқанд Давлат университети физика факультетида ўқиб юрган кезларида жавоб топгандай бўлди. Москва Давлат университети аспирантурасида Облоқул магнетизм кафедраси мудири, профессор Е.И. Кондорский раҳбарлигида оҳанграбони ўрганишни давом эттирди. Аммо москвалик олимлар билан тилтизм кафедрасининг ташкил этилиши билан тадқиқотлар кўлами янада кенгайди.

Чиқарилган бу илмий хулосалар нафақат назарий, балки катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, металлургия, материалшунослик, радио, электрон ҳисоблаш техникасида, қаттиқ жисм физика ва химиясида қўлланилади.

Олинган натижалар асосида 180дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди. Халқаро ва Республика миқёсида ўтказилган илмий анжуманларда маъруза қилинди.

Кўп йиллик тадқиқот натижаларини тўплаб, 1992 йилда Облоқул Қувондиқов "Ўткинчи ва сийрак ер элемент қотишмаларининг атомлари тартибсиз жойлашган ҳолатдаги магнит ва генетик хоссалари" мавзусида докторлик илмий ишини лашиш осон бўлмади. Туну кун тажрибалар ўтказишга, мутолаа қилишга тўғри келди. Маълум бўлдики, магнитни инсоният неча минг йиллардан бери ўрганаётган ва амалда ишлатаётган бўлса ҳам унинг очилмаган сирлари ҳали жуда кўп экан.

Айниқса, металл қотишма ва бирикмаларининг магнит ва электр хоссалари юқори ҳароратларда суюқ ҳолатда кам ўрганилган бўлиб, ўткинчи ва камёб ер металларининг бу хоссалари тадқиқ этилмаган экан.

1984 йилда СамДУ умумий физика кафедраси қошида магнетизм мутахассислиги очилди. 1985 йилда магнемуваффақият билан ҳимоя қилди.

Физика-математика фанлари доктори, СамДУ профессори О.Қувондиқов умумий физика кафедрасининг мудири сифатида юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор бермоқда.

Талабаларга умумий физикадан, "Магнетизмга кириш", "Магнит ҳодисалари ва магнит материалларининг ҳозирги замон муаммолари" махсус курсларидан маърузалар ўқийди. Толиби илмларнинг курс, диплом ва илмий ишларига раҳбарлик қилади.

Устоз раҳбарлигида 7 киши номзодлик илмий ишини ҳимоя қилган. Шогирдларидан доцентлар И. Субхонқулов ва Х. Шакаровлар докторлик илмий ишлари устида муваффақиятли изланишларни давом эттиришмоқда.

Бугунги кунда профессор О.Қувондиқов шогирдлари даврасида фаннинг янги уфқлари ҳақида ўйламоқда. Бельгияда жойлашган "INTAS" халқаро ташкилотининг магнетизм бўйича янги дастурини амалга оширишга Ўзбекистондаги илмий гуруҳ раҳбари қилиб профессор О. Қувондиқов тайинланди.

Бу ҳам олимнинг катта ютуқларидан биридир.

Бобоқул ЖЎРАЕВ,
физика-математика
фанлари номзоди,
доцент

Seminar

ЎҚУВЧИ МИНБАРГА КЎТАРИЛАДИ...

Бир соатлик дарс... У минглаб синфхоналарда давом этади. Қай тарзда? Албатта, турлича. Айрим дарсларнинг тезликда тугаб қолишини ўқувчи истамайди. Баъзи ўқитувчиларнинг дарсларида болалар танаффусга қунғироқ тезроқ чалинишини сабрсизлик билан кутишади... Шундай ҳолат рўй бермаслиги учун нима қилиш керак?

— Янги педагогик технологияларни қўрқмасдан, дадиллик билан жорий этиш керак, — дейди бу саволга Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети қошидаги махсус гимназия директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент Абдусалом Умаров. — 860 нафар ўқувчи таълим олаётган мактабимиз ижтимоий йўналишдаги таълим даргоҳларидан бўлиб, кейинги йилларда янги педагогик технологияларни жорий этиш бўйича анчамунча тажриба тўпланди. Кўпгина синфларимизда минбар ташкил қилинган. Сир эмаски, катта йиғинда сўзга чиққанда айрим катталаримиз ҳам қаяжонда қолишади. Минбарда болалар ўз фикрини эркин, босиқ баён қила олишга ўрганади.

Янги педагогик технологияларни қўллашга бағишланган илмий-амалий семинар иштирокчилари 4-синф ўқитувчиси Дилором Ашурованинг она тили ҳамда Саодат Содиқоваларнинг тарбиявий соатини кузатдилар. Табиат муҳофазасига бағишланган "Онангман, сенинг инсон" ишланмаси, айниқса пухта, таъсирлилиги билан кўпчиликка манзур бўлди. Ер, Сув, Қуёш, Ҳаво, Табиат, Инсон образларининг ўзаро мулоқоти битта мақсадга, у ҳам бўлса, табиат бойликларидан ўрнида, меъёри билан фойдаланишга қаратилган эди.

Педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаева семинарда бошланғич таълимда янги педагогик технологияларни қандай қўллаш хусусидаги тавсияномасини тақдим этди. Шунингдек, "Бошланғич таълим" журнали бош муҳаррири Зуҳра Шокирова муштарийларни қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Дарвоқе, минбар ҳақида. Қўллаб-қувватлашга молик иш. Эркин, мустақил фикрловчи ёшларни тарбиялаш ҳақида гап кетар экан, минбар уларни кичик аудиторияда, кўпчилик қаршисида ўзини тутишга ўргатади. Бинобарин, бу ҳам янги педагогик технологиянинг бир қиррасидир.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА

ШОИРЛАР САБОҒИ

"Ёшларнинг соғлом, билимли, Ватанга садоқат руҳида тарбия топиши давлатимизнинг ёрқин келажагини белгилаши аниқ", деди туманимиз ўқувчи ва ўқитувчилари билан бўлган учрашувларда Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи. Шоир ўқувчилар билан Ватан, унга садоқат, мустақиллик ва Она заминга меҳр мавзуларида суҳбатлар ўтказди. Сафарда унга ҳамроҳ бўлган шоирлар Ислом Аҳад ва Рауф Субҳонларнинг мустақиллигу волидаларимизга бағишланган шеърларини ҳам ўқувчиларимиз илиқ қабул қилдилар. Айниқса, Исмат Ҳайитов раҳбарлик қилаётган Ғафур Ғулом номидаги 36-ўрта мактабда ўтказилган учрашув бир умрга иштирокчиларнинг ёдидан чиқмаса керак. Ўқувчилар билим савиясининг ниҳоятда баландлиги шоирларни дустона баҳсларга чорлади. Туманимиз халқ таълимининг фахри, машрабшунос олим Жалолиддин Юсупов чиқишлари билан учрашув машрабхонликка айланиб кетди. Хуллас, шеъриятга чанқоқ ўқувчиларимиз устозлардан бир қадар сабоқ олдилар. Руҳан озиқландилар. Ҳа, биз севимли шоирларимиз билан учраштик. Дийдор кўришдик — туймадик. Замондош шоирларимиз билан яна учрашувлар орзусида қолдик.

Шодиқул БЕРДИЕВ,
Хатирчи туманидаги 33-ўрта мактаб директори

Ta'limda xalqaro hamkorlik

"ФРАНЦИЯ МАТБУОТИ" ЎЗБЕКИСТОНДА

Яқинда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетида Франция элчихонаси ташаббуси билан "Франция матбуоти" мавзусида очиқ кўргазма бўлиб ўтди. Кўргазмада Франциянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар, элчи жанобларининг таклифи билан келган меҳмон — Андре Левен, Франция элчихонасининг бир неча ходимлари, университет ректори Жамолиддин Бўронов, Халқаро журналистика факультети декани Гуландом Боқиевалар иштирок этдилар.

Кўргазманинг мақсади Франция матбуотининг бугунги кундаги тараққиёти, унинг эришган ютуқлари ҳақида батафсил маълумот бериш орқали Ўзбекистон – Франция ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожига ҳисса қўшишдир. Жуда кўплаб журналистлар, олимлар, зиёлилар, талабалар қатнашган ушбу маросимдан сўнг, матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида ўзининг хотиралари билан ўртоқлашган ва жуда қизиқарли нутқ сўзлаган жаноб Левен (Халқаро ҳуқуқ фанлари доктори Андре Левен бугунги кунда "Ёш Африка" халқаро ҳафтаномасининг бош директори, БМТ ва Франция ҳамкорлик ҳаракатининг вице-президенти, Франция фанлар академияси ва бошқа халқаро уюшмаларнинг аъзоси) Франция матбуоти бугунги кундаги тараққиёт даражасига қандай қилиб эришгани, матбуот эркинлигини ўрнатиш йўлида босиб ўтилган қийинчиликлар ҳақида батафсил гапириб, йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Матбуот анжуманидан сўнг, биз бир неча саволлар билан Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жан Клод Ришарга мурожаат қилдик:

— Муҳтарам элчи жанобларини, кўргазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад нима эди ва нима учун айнан Халқаро журналистика факультети танланди?

— Кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад, анжуманда айтиб ўтилганидек, Франция матбуоти билан Ўзбекистонни таништириш. Факультетингизни танлашда эса, Ўзбекистоннинг ёш халқаро журналистларини шу каби халқаро учрашувларга тайёрлаш, факультетингиз билан мунтазам алоқа ўрнатиш, шунингдек, Ўзбекистонда бир неча йиллардан бери муваффақиятли олиб борилаётган таълим ислоҳотларининг дастлабки натижалари билан танишишни назарда тутдик.

— Франция ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини қиёслаб, кузатишларингиз асосида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларига баҳо берсангиз.

— Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳозир бир текисда ва тинмай ривожланиб бормоқда, деб бемалол айтишим мумкин. Бизнинг элчихонамиз ҳам кўпгина оммавий ахборот воситаларингиз билан алоқа ўрнатган.

Бундан 2 йил бурун, футбол бўйича Франция-98 жаҳон кубогининг очилиши арафасида ва кейинроқ, ўша чемпионатнинг финал учрашувидан бир кун олдин Ўзбекистон ва Франция журналистлари ўртасида футбол матчини ташкил қилгандик. Буни қарангки, Ўзбекистон журналистлари нафақат қалам тебратиш, балки майдонда тўп суриш соҳасида ҳам анча тажрибага эга эканликларини намойиш қилиб, иккала ўйинда ҳам ғолиб бўлганди.

— Факультетимиз ҳақида таассуротларингиз.

— Факультетингиз менга жуда ёқди. Қисқа муддатда кўргазмани юқори савияда ўтказиш учун барча шароитлар яратиб берилди. Айниқса, талабаларнинг матбуот анжуманида фаол қатнашгани, баъзи талабаларнинг тўғридан-тўғри, таржимонсиз француз тилида саволлар бергани менда катта таассурот қолдирди. Аминманки, ёш халқаро журналистларнинг келажаги порлоқ.

Жаҳонда 22-ўринни, Европада эса 7-ўринни эгаллаб турган француз матбуоти билан яқиндан танишиш ва унинг илғор тажрибаларини ўрганиш мустақил Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини "тўртинчи ҳокимият" даражасига олиб чиқишда яна бир қадамдир.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
Соҳибжон ИСЛОМ,
ЎзДЖТУ Халқаро
журналистика
факультети талабалари

Қолурсан кўзингга лим-лим ёш олиб,
Бордан айриласан, жонга зор дунё.

Қадимдан дунёнинг кўплаб мамлакатларида сузиш илмий бўлмаган асосда ўргатиб келинган.

Xotira

ҲАҚ БИЧГАН КЕНГ ТЎННИ ЭТМА ТОР, ДУНЁ!

Қадимда бир подшоҳ умри поёнида тасарруфидаги барча минг-минглаб китобларни ўқиб чиқа олмаганидан афсусланибди. Олимларга уларни барчасининг маъносини бир китобга жамлашни буюрибди. Истаги бажо келтирилибди. Аммо шоҳнинг умр чироғи тобора сўнишга бошлабди ва у китобни ўқиб чиқишга улгуролмаслигини сезиб, зукко олимлардан уларнинг моҳиятини айтиб беришни илтимос қилибди. Барча китобларни ўқиб чиққан олимларнинг жавоби шундай бўлган экан:

— Ҳаёт туғилиш, азоб чекиш, кураш ва улимдан иборат.

Дарҳақиқат инсон умри чексиз вақт оқимида бир лаҳза. Аммо томчида Қуёш акс этганидек, уша бир лаҳзада улкан моҳият акси жамланган. Бир қарашда ҳаёт формуласи жуда оддий: туғилиш, яшаш ва... улим. Бизга оддий туюлган бу жараён, ҳаётнинг лўнда таърифи — кураш.

Ёш шоира Дилфуза Бегимнинг бизнинг наздимиздаги қисқа умри ҳам кураш билан ўтди. Ўзини англаш, узлик йўлидаги кураш.

Бўш юрма, тайёр бўл,
зеҳнингни пишит,
Ташриф буюргай лаҳзалар
қулида сеҳр.
Қилмоқ мушкул бўлган
сўзларим эшит,
Қошимда хоб қилмай
уйғонсин меҳр.

Ўзини улкан курашларга чоғлаган юрак шундай хитоб қилади.

Дилфуза йигирма икки йил яшади. Бор-йўғи йигирма икки йил... Бироқ яшаш билан яшашнинг фарқи бор. Баъзан лаҳзалар ҳам бутун-бутун бир умрларга татийди. Шундай оний лаҳзаларнинг энг ёрқин намунаси бу — ижод онлари. Дилфуза шундай лаҳзалардан кўпини яшади, узлик йўлида курашиб яшади.

Имоннинг тоғидан
парча тош олиб,
Қочоқ орзуларим
эрксиз ушалиб,
Ортимдан етолмай
қолурсан толиб,
Ҳақ бичган кенг тўнни
этма тор, дунё!

Дилфуза Бегим "ҳақ бичган кенг тўн"га ўралиб "ортидан етолмай қоладиган" даражада илгарилаб кетди...

Унинг ибрат бўларли умри — курашлари маҳсули ўлароқ "Тақдир" китоби қолди. "Маърифат-Мададкор" нашриётида чоп қилинган китобда "Юрт мадҳи", "Ёш юрак нидоси", "Дунё билан муроса" бўлимларида ёш кўнгилнинг она-юрт, унинг гўзаллиги, ўткинчи дунё ҳақидаги шеърлари жамланган.

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида шоира таҳсил олган Республика Нафис санъат лицейида ушбу китобнинг тақдимоти ҳамда унинг муаллифини хотирлаш маросими бўлиб ўтди.

Лицей талабалари театрлаштирилган томоша уюштириб, унда Дилфузанинг руҳи сиймосини саҳнага олиб чиқдилар. Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жура Йўлдошев, Нафис санъат лицейи директори Сўлмас Султонов, лицей ўқитувчилари ҳамда шоиранинг отаси Худойберди Бегимов сўзга чиқиб, чақмоқ умри соҳибаси бўлган севимли қизларини эсладилар.

Дилфузанинг лицейда бирга ўқиган синфдоши Хуршида Маҳмудова, юридик институти магистратурасида бирга таҳсил олган сабоқдоши Камола Насриддиновалар ҳам дугоналарининг яхши хислатларини хотирладилар. Лицей ўқувчилари унинг шеърларидан намуналар ўқишди.

Ҳеч замон қуймагил
буш қозонга сув,
Тагида чарчов билмас
оташ ёнади.
Қайнар, бунёд этиб
сўнгсиз олишув,
Қопқоқдан-да чиқиб
ул уйғонади.

Хотира уйғонса, эзгу ҳислар уйғонади. Хотира — инсонни тарбиялайди. Биз ҳам Дилфуза Бегимни хотирлаб, унинг шеърларидан намуналар ҳавола қилаётирмиз.

Ҳусан КАРВОНЛИ

ДУНЁ БИЛАН МУРОСА

Сенинг ташвишингдан илкимни артиб,
Ҳаётим рухсорига кўк ҳижоб тортиб,
Янги ой гардишига юкимни ортиб,
Нафсим ташлаб кетаман,
эй маккор дунё!

Менгамас ўзингга марсия айтиб,
Оқармас юзингни баттар қорайтиб,
Қалбимда шайтон маконини торайтиб,
Кетаман, худуди менга тор дунё.

Виждон — эътиқодни кўнглимга солиб,
Айрилиқ куйини кетаман чалиб.
Қолурсан кўзингга лим-лим ёш олиб,
Бордан айриласан, жонга зор дунё.

Имоннинг тоғидан парча тош олиб,
Қочоқ орзуларим эрксиз ушалиб,
Ортимдан етолмай қолурсан толиб,
Ҳақ бичган кенг тўнни этма тор, дунё!

ГИНА

Зарпечак баргидан бичилган жомам,
Қайнаган хунлардан хат
битар хомам.
Тақдирнинг серқайғу куни — алломам,
Бекинма, ноз қилма, эй шум ҳақиқат!
Илкимга ашким-ла қалам тутқазди,
Фанога беилдиз кўчат ўтқаздим.
Қудратим йўқ, ўйнамайман,
бўлди ютқаздим...
Шеъримга қоғоз бўл бир зум ҳақиқат!

Қалбимни кул қилиб мақсадга етдинг,
Фарёддан қурилган кулбамни нетдинг?
Суруринг хуржунин орқалаб кетдинг.
Заққумнинг баграда ўлгум, ҳақиқат!

Чақирдим. Осмондан
кўксингни кердинг,
Сочимнинг хуррамлик
толасин тердинг.
Жоним ол десам гар,
марҳамат, дердинг,
Яшаш истагимдир, ўчдим ҳақиқат!

Дилфуза БЕГИМ

"Яшил чироқ" телевизион мусобақалари доимо қизиқарли ўтган. Фарғона ва Тошкент вилоятлари гуруҳлари ўртасидаги баҳс ҳам кескин бўлди. Йўл ҳаракатларини пухта билган, радио орқали бошқариш, велосипедда юриш ва бошқа машқларни аъло даражада бошқарган фарғоналиклар мусобақа ғолиби бўлиб, кейинги босқичга йўл олишди.

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

СУЗИШ ТАРИХИДАН

Қадимдан дунёнинг кўплаб мамлакатларида сузиш илмий бўлмаган асосда ўргатиб келинган. Сузиш буйича биринчи дарслик анча кейин, 1538 йилда Данияда дунёга келган.

Жаҳондаги биринчи ёпиқ сузиш ҳавзаси 1860 йилда Магдебург шаҳрида очилган. 1873 йилда Англияда биринчи марта сувда қўл тўпи буйича мусобақа ўтказилган. 1875 йилда инглиз флоти капитани Мэтью Уеббе биринчи булиб Ла-Манш бўғозини сузиб ўтган. 1894 йилда Вена шаҳрида сузиш буйича биринчи Европа чемпионати бўлиб ўтган. 1896 йилда венгер спортчиси Альфред Хайош сузиш буйича биринчи олимпия чемпиони бўлди. (100 м.га, 1,22 минут натижа билан), 1924 ва 1928 йилларда бизга "Тарзан" фильмидаги баҳайбат келбати орқали таниш бўлган америкалик Ж. Вейсмюллер 100 метрлик масофани минутдан кам вақт ичида биринчи бўлиб сузиб ўтиб, олимпиада чемпиони бўлди. Вейсмюллер Аламос шаҳри сув ҳавзасида 58,6 секунд натижа кўрсатган.

В. БОЙМУРОДОВ

«Маънавият» нашриёти ўқувчиларнинг ёзги дам олиш оромгоҳлари кутубхоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш учун лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги адабий-бадиий китобларни ҳамда турли-туман мавзулардаги плакатларни нашрдан чиқарди. Шунингдек, мазкур нашриётда ёзги оромгоҳларда ўқувчиларнинг ташкилотчилигини, спорт ишларидаги фаоллигини рағбатлантириш учун мақтов ва фахрий ёрлиқлар ҳам мавжуд. Ушбуларни Сиз нашриётдан харид қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри. Шодлик кўчаси 6-уй, тел: 67-07-31, 67-77-09,68-17-55.

Xullas...

ДАВОЛОВЧИ ШАРЧА

Кўриш қобилиятида нуқсони бўлган кишилар, яъни яқин масофадангина кўрувчиларни теннис столида уйнатиб, даволаш мумкин экан. Кемерово шаҳридаги 144-боғча мутахассисларининг фикри шундай.

Хўш, гап нимада ўзи? Теннис столи билан кўзи ожизларнинг қандай алоқаси бор? Гап ёнғоқдай катталикдаги оппоқ шарча экан. Ракетка билан стол атрофида ҳаракат қила бошлаган киши, табиийки, ҳалиги шарчани кўздан қочирмаслик пайида бўлади. Демак, кўз тўқималари ҳаракати фаоллашади, қорачиқ у ёқ бу ёққа "силжийди".

Кемероволик боғча опаларнинг бу муолажа усули узоқни кўришга қийналувчи болалар соғлигини тиклашда анча самара бермоқда.

ТАМБОВНИНГ "БЎРИСИ"

Ажабланманг. Бурилар фақат дашту биёбонда эмас, шаҳарда ҳам яшаши мумкин. Тириги эмас, қиёфаси албатта.

Тамбов шаҳрида узунлиги 5 метр бўлган ёдгорлик ўрнатилди. Қаршингизда нақ тирик бўри тургандека! Бир лаҳзалик қўрқув гирдобига тушган тамбовликлар бу ёдгорликнинг ўрнатилишига қаршилик билдирдилар ҳам. Бунинг ўрнига Державин, Рахманинов каби тамбовлик тарихий шахсларнинг ҳайкалини яратиш керак эди, дейишди айримлар.

Аммо кўпчилик бўри ҳайкали ўз жойида туравериши-ни маъқуллашди. Уларнинг фикрича, бўри гўёки шаҳарликларни бало-қазодан ҳимоя қилиб турар эмиш. Балки тўғридир...

Шаҳардаги бўри ҳайкали атрофи гавжум. Кимдир суратга тушган, кимдир томоша қилган ва кимдир ваҳималар гирдобида қолган. Бўри эса жим...

МЎЪЖИЗАНИНГ МЎЪЖИЗАСИ

Ё астағфириллоҳ! Ё, худо қудратингдан! Тирикми ё ўликми?

Жони йўқ балиққа дуч келган палеоихтиолог Валентина хоним тошдек қотди! У эртакларда айтилган олтин балиққа дуч келгандек эди. Балиқ палеозой даврларига мансуб бўлса керак. У худди жони чиқишини истамагандек оғзини очиб, талвасада қолган.

Валентина Николаевна табиат мўъжизасини лабораторияда текширувдан ўтказмоқда.

ana shunaqa gaplar...

Sport

ҒАЛАБА САРИ ЮРИШЛАР

Якунланган Дубай халқаро турнир жаҳоннинг номдор шахматчилари иштирок этгани билан кўпчилик эътиборини тортди. Турнирда Ўзбекистон чемпиони А. Ненашев 9 имкониятдан 7 очко жамғариб ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, тошкентлик Д. Қаюмов ва сурхондарёлик ёш шахматчиларимиздан А. Алибоевлар ҳам 5,5 очкодан жамғариб ташкилотчилар эътиборини қозонди.

ЎЛАР 45 НАФАР...

Асака шаҳрида ўтказилган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати баҳслари 77 кг. вазнда Б. Нуруллаевга (кумуш медали) ва 94 кг. вазнда Ф. Ўрозимбетовларга (бронза медали) "Сидней — 2000" олимпиадаси йўлланмаларини туҳфа этди. 105 кг. дан оғир вазнда олтин медални қўлга киритган ҳамюртимиз И. Халилов ўзи учун Сидней эшикларини ўтган йилиёқ очган эди. Бугунгача олимпиадага борувчи спортчиларимиз сони 45 нафарга етди.

НОАНЪАНАВИЙ БЕЛЛАШУВ

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси ташаббуси билан олий ўқув юртлари ўртасида профессор-ўқитувчилар спартакиадаси ўтказилди.

Спортнинг мини-футбол, волейбол, бадминтон, шахмат, шашка, стол тенниси каби 6 та тури бўйича Ўзбекистон Миллий университети 1-ўринни қўлга киритди.

Тошкент Молия институти ва Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетлари жамоаларига 2-,3-ўринлар насиб этди.

1-ЧЕМПИОНАТДАН 10 ТА МЕДАЛ

Россиянинг Тверь шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган ўзбек кураши бўйича 1-жаҳон чемпионати спортнинг бу тури дунё саҳнасидан муносиб ўрин олганлигини яна бир бор кўрсатди. 15 мамлакатдан келган полвонлар ичида ўзбекистонликлар 3 та олтин, 3 та кумуш, 4 та бронза медалларига ҳақли равишда эгалик қилдилар. Зеро, эзгулик сари интилган паҳлавонларнинг барчаси ҳам ғолиблик камарини тақадилар.

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Ҳа, кутилмаган натижалар шундоқ ҳам камайиб бораётган "Пахтакор" мухлисларини "ҳафа" қилиб қўйди. Сўнгги турда марказий ўйинингда "Дўстлик" чилар меҳмон бўлишди. Мезбонлар — "Пахтакор" клуби ўз дарвозасининг тўртала бурчагидан ҳам голлар учун жой бериб, ўзлари биргина тўп билан кифояландилар. 1:4 ҳисоби "Дўстлик"ни қониқтирган бўлиши табиий. Лекин буни ҳамма ҳам "ҳазм" қила оладими?

maydonchasi

КРОССВОРД



1. Ёғочи қаттиқ, доим яшил жануб дарахти.
2. Шайхлар елкасига ёпинадиган кийим.
4. Қуш уяси.
5. Мерос учун ёзилган қоғоз.
6. Ёвғон шўрва.
7. Самонинг эски номи.
8. Ўқ соладиган идиш.
9. Буғдой, ун маҳсулотлари билан савдо қилувчи одам.
14. Ҳийла.
15. Ислом ҳуқуқшунос олими, "Хидоя фифуруг" асари муаллифи.
16. А.Темурга берилган нисбат.
17. Кўп, ортиқ.
18. Ошхона анжоми.
19. Мутафаккир, оташин шоир.
20. Ўзбек шоири, таржимон, санъатшунос.
22. Ўзбек шоираси, маърифатпарвар ва давлат арбоби.
23. Қўчқорнинг иккинчи "хотини".
24. Сеҳрли жой.
30. Республикамиздаги таниқли гуруҳлардан бири.
31. От, эшак, туяларни тезлатадиган "мослама"
35. Ислом рукнларидан бири.
37. Улуғбекнинг устози, олим.
38. А. Қаҳҳор ҳикояси.
39. Сир. Сирдош.
40. Ўтган замонларда сув ташувчи.
42. Кўзи басир ўтган шоир.
44. Сургун.
45. Эркин Воҳидовнинг достони.
1. Мавароуннаҳрдаги шаҳарлардан бири.
3. Ўзбекистон артисти, таниқли актёр.
6. Катта ер эгалари томонидан батракларга ажратилган ер.
8. Муқимий асари.
10. Ўрта яшар ёки кексайган аёлларнинг ўраладиган рўмоли.
11. Поэзиянинг бир тури.
12. Илмнинг бир неча йўналишини эгаллаган одам.
13. Ўзбек мумтоз куйларидан бири.
16. Шоир Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли тахаллуси.
20. Катта ёғоч тоғора.
21. Ҳар замон, гоҳо-гоҳо.
25. Бир асарнинг қисқартирилган варианти.
26. Хамсанавис шоир.
27. Уни бешикдан қабргача изла.
28. Зўр эҳтирос.
29. Қорахонийлар хони.
31. Ўзбек математиги, астрономи, географ.
32. Чеварлар асбоби.
33. Турк-мўғул давлатлари бошлиқларининг қароргоҳи.
34. Хонанданинг эскича номи.
36. "Тарихи Бухоро" асари муаллифи.
38. А. Темур устози.
40. Сўзловчи айтаётганининг бўлиши мумкинлигини, лекин аниқ эмаслигини билдирувчи сўз.
41. Узун ёғоч билан ўйналадиган болалар ўйини.
43. X асрда яшаган арабшунос адиб, тавсиф олими.
46. Кўриниш, қиёфа.
47. Биринчи ўзбек драматурги.
48. IX асрда яшаб ижод қилган қомусий ўзбек файлусуфи.

Давлат ИСМОИЛОВ тузган.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 2000 ЙИЛ 6 МАЙ СОНИДА БЕРИЛГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Ёй бўйича: 1. Чўлпон. 2. Хўжаев. 3. Завқий. 4. Малака. 5. Чархий. 6. Махмур. 7. Қаюмов. 8. Даража. 9. Камина. 10. Саидов. 11. Лаёқат. 12. Мадҳия. 13. Қанот. 14.Жамбул. 15. Навоий. 16. Баёний. 17. Нишона. 18. Қисмат. 19. Фитрат. 20. Хислат. 21. Рота. 22. Пуна. 23. Қиём. 24. Хожа. 25. Мард. 26. Изоҳ. 27. Қалб. 28. Оқин. 29. Олам. 30. Овул.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. "Ёдгор". 2. Ҳаёт. 3. Тилак. 4. Хитой.
Ҳикмат: Ёдгорлик - хотира ҳайкали.

QUTLOV

Азиз устозимиз Тошбой НОРБЕРДИЕВ!

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз ва педагогик фаолиятингизга 40 йил тўлиши муносабати билан қизғин муборакбод этамиз.

Оилавий бахт, хотиржамлик, тансиҳатлик тилаймиз.

Нуробод тумани ХТБ ҳамда 52-мактаб жамоаси

Қадрли дадажоним Жалил ЙЎЛДОШЕВ

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Ёш авлодни тарбиялашдек шарафли ишингизга муваффақият тилаймиз. Бахтимизга соғ-саломат бўлиб, узоқ умр кўринг

Косон туманидаги 6-мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз.

Ҳурматли Садат ОСТОНОВ!

Сизнинг 25 йиллик педагогик иш фаолиятингиз ҳамда туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, соғ-саломатлик тилаймиз. Ижод гулшанингиз, қалбингиз бўстони ҳамиша гўзаллашаверсин.

Қамаши тумани халқ таълими бўлими касаб уюшмаси

ЭЪЛОН

ТОШКЕНТ АЛОҚА КОЛЛЕЖИДА ЎҚИШНИ ХОҲЛОВЧИ АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

2000/2001 ўқув йилига қабул эълон қилиниши муносабати билан, шу йилнинг 20 май куни соат 14.00 дан 17.00 гача коллежда "Очиқ эшиклар" куни ташкил этади.

Шу куни сизларга коллеж ҳақидаги барча ахборотлар берилиб, ўқиш, яшаш ва дам олиш шароитлари билан таништириласиз.

"Очиқ эшиклар" кунига марҳамат!

Тошкент алоқа коллежида шу йилнинг 20 май кунидан бошлаб тайёрлов курслари ўз фаолиятини бошлайди.

Курсларга 9-ва 11-синф маълумотларига эга бўлган тингловчилар қабул қилинади. Машғулот математика, она тили ва адабиёт дарслари бўйича ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри Усмон Юсупов кўчаси, 70-уй. Қўшимча маълумотларни 41-12-48, 41-19-80 рақамли телефон орқали олишингиз мумкин.

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи уринбосари Шавкат Қурбоновга падари бузруквори **Эргаш ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи уринбосари Шавкат Қурбоновга падари бузруквори **Эргаш ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Маърифат" газетаси ҳамда "Таълим тараққиёти" ахборотномаси таҳририяти жамоалари олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи уринбосари Шавкат Қурбоновга падари бузруквори **Эргаш ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ ректорати ва жамоаси институт ходими Ҳилола Ҳикматовага отаси **Патхулла ҲИКМАТОВ** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, табиийот фанлари факультети жамоаси педагогика фанлари номзоди, нафақадаги доцент **Малоҳат ЮНУСОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Насриддин БОТИРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-377. Тиражи 36.285. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.